Pearson BTEC

Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража

# Стратегик бошқарув ва лидерлик

соҳаси бўйича

Профессионал Диплом

**1-модул**: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш

## Ўқитувчи Ресурслари

**1-нашр**



**Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

**Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96472 9

Ушбу нашрдаги барча материаллар
© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

# Мундарижа

**Кириш** 1

**1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш** 3

Ўқув қўлланма 3

Иш схемаси 15

Дарс режаси 25

Мустақил топшириқ йўриқномаси 53

# Кириш

Мазкур манбалар буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом спецификациясини тўлдирувчи материалдир. Спецификация сизни нимани ўқитиш ва баҳолаш лозимлиги билан таништиради. Ушбу буклетда сиз юқоридаги вазифани қандай бажариш мумкинлиги тўғрисида таклиф ва ғояларни топасиз.

Буклет сизга дарс ўтиш ва таълим бериш борасида ғояларни тақдим этган ҳолда, ўз ичига, шу жумладан амалий дарслар, реалистик сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш йўллари ва мустақил таълимни бошқариш ҳамда баҳолаш услубларини олади. Буклет, шунингдек спецификацияда акс этган маълумот қай тарзда амалиётда ишлашини намоён этиб, сизни малака оширишнинг турли йўлларини излашга рухлантиради.

Мазкур манбалар буклети қуйидагиларни тақдим этади:

- модулларни қай тарзда квалификацияни ўқитишга кўмаклашиши тўғрисида қўлланма;
- модулларни квалификацияни ўқитишга ёрдам берувчи тавсия этилган манбалар;
- квалификация барча модулларини қамраб олган мавзу, вазифа ва баҳоларни тушунтириб берувчи ишлар схемаси;
- модул бўйича қай тарзда дарсларни ўтиш тўғрисида батафсил қўлланмали Дарс режалари;
- барча квалификация модулларини баҳолашни ўтказишда кўмаклашувчи Мустақил топшириқ йўриқномалари.

Мазкур манбалар буклетидаги маълумот квалификацияни тузиш билан яқин боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан йиғилганлиги сабаб, улар BTEC малака ошириши ўқитилишининг янги ва қизиқарли услубларини излаш билан боғлиқ муаммоларни яхши тушунишади.

Буклетда келтирилган Ўқитишга доир қўлланмасида, квалификация бўйича таълимни режалаштиришда нималарни эътибордан четда қолдирмаслик тўғрисида маълумот мавжуд. Қуйидагилар ҳақида маълумотлар мавжуд:

- сизнинг квалификация курсингиз таркиби;
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун квалификацияни тузиб олишингиз;
- қандай қилиб сиз иш берувчилар билан алоқага чиқишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа ёрдамчи ва мақбул манбалар.

Биз сизга индивидуал қўлланма бердик. Ушбу қўлланма ўз ичига ўқув мақсадларига қай тарзда ёндашиш кераклиги борасида таклифларни, шунингдек дарсларни қизиқарли ва ранг-баранг тарзда ўтишга доир ғояларни олади. Шу билан биргаликда, сиз ўз вазифаларингизни қай тарзда режалаштириш тўғрисида маслаҳат ва ғояларни топасиз.

Ҳар бир модул учун биз синчиклаб танланган манбаларни қўшдик. Ресурслар рўйхати сиз ўз ўқивчиларингизга тавсия этишингиз ва/ёки ўқитишда ишлатишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеоларни ўз ичига олади.

# 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш

## Ўқув қўлланма

Ўқув мақсадларига эришиш учун ушбу модулда сиз дарс ўтиш ва ўқитишнинг кенг услубларини ишга солишингиз лозим бўлади. Бундай услублар маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лойиҳа билан ишлаш ва якка тартибда ва гуруҳ билан ишлашда баҳолашни ўз ичига олади. Бироз расмий ўқитиш лозим деб топилади, лекин берилган вазифа курс давомида мустақил таълимни ривожлантириб бориш учун кўпроқ ўқувчига йўналтирилган бўлиши мумкин. Ўқув мақсадларига эришишда ўқувчилар тадқиқий, таҳлилий ва жамоавий ёндашувларни қўллашлари лозим. Шунингдек, таълим самарадорлигини ошириш учун улар шахсий тажриба ва иш жараёнидаги роллари ҳақида ўйлашлари лозим.

Ўқувчиларга ўқув мақсадларига эришиш ва ўзининг таълим олишига масъул бўлишида ёрдам бериш учун зарур бўлган тадқиқотлар ўтказиш имкониятини бериш учун, таълим графигида етарлича вақт ажратилган бўлиши керак.

Мазкур модул асосий билимларни беради ва квалфикациядаги барча модулларни тушуниб олинишини таъминлайди. Ўқувчилар ўз тадқиқотларига мустақил ўқувчи сифатида ёндошишларини, маълумотларни якка ўзлари ёки синфнинг бошқа аъзолари билан биргаликда тадқиқ қилишларини модул талаб қилади. Сизнинг ролингиз ўқувчиларни дастлабки материаллар борасида маслахат бериш ва синф тақдимотларини тайёрлашда ёрдам беришдан иборат.

Ўқувчилар тадқиқотларининг натижасига бағишланган тақдимотларни ўтказишади, сиз эса ўқувчиларнинг стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларининг ривожланишига таъсир этувчи бугунги кундаги муаммолар ва хавф-хатарларни кўриб чиқишни талаб этувчи синф муҳокамаларни ўтказасиз.

**1-расмда** сизга мазкур модулни ўқувчиларнинг турли харакатларини ишлатиб, қай тарзда тақдим қила олишингиз бўйича маълумот берилган.




**1-расм:** 1-модул бўйича ўқувчининг саёҳати

## Модул билан танишиш

Малакадан ўтган ўқувчилар, эҳтимол раҳбарлик ёки назорат лавозимларида катта тажрибага эгадирлар. Сиз ушбу тажрибани синфда турли контекст ва ҳолатларда, бошқарув назариясининг қўлланилиши муҳокама қилинаётганда ишлатишингиз мумкин.

Ушбу модулнинг яхши бошланғич нуқтаси бўлиб ўқувчилардан уларнинг лавозим роллари ва мажбуриятлари ҳақида сўраш хизмат қилади. Сўнгра сиз натижаларни Минцберг бошқарувининг 10 роли билан таққослашингиз мумкин бўлади. Мазкур ёндашув гуруҳнинг иккинчи қисмида, ўқувчилар ўзларининг етакчилик кўникмаларини ривожлантиришларини режа қиладиган ўқувнинг C ва D мақсадлари ҳақида гап кетаётганда фойдали бўлади. Бундай ёндашув, шунингдек ўқувчиларга ўзларининг профессионал ривожланишлари режасини тайёрлашлари лозим бўлган 2-модул*: стратегик менежерлар учун профессионал ривожланиш* мазмунини тушунишга замин яратади.

Ўқувчиларнинг шахсий профессионал билимлари ва тажрибалари ҳам таълимнинг бошқа мақсадларига эришишда ишлатилиши мумкин. Масалан, B ўқув мақсадига эришиш жараёнида сиз ўқувчиларни етакчиликнинг бир неча хил турлари ва ҳиссий интеллектнинг етакчилик амалиётига таъсири тўғрисидаги назарияларни тузиб чиққан асосий назариячиларнинг бир нечаси билан таништирасиз. Ўқувчилар, яна бир бор, стратегик етакчилар ва менежерларнинг аниқ хислатларини кўрсатган ҳолда ўзларининг ташкилотларида етакчилик турлари, хислатларини аниқлашда шахсий тажрибаларидан фойдаланишлари мумкин.




**2-расмда** мазкур ёндашув амалиётда қай тарзда ишлаши кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган ҳар бир мақсадга эришиш давомида асосий эътибор ўқувчиларга тадқиқотларда иштирок этиш ва бошқарув назариялари қай тарзда уларнинг ўз ташкилотларига ва айниқса жаҳон иқтисодиётида фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотларнинг стратегик йўналишларига таъсир кўрсатганини ўрганишга бағишланган машғулотларга қаратилиши керак. Шу каби ташкилотларнинг кейс-стадисини ўрганиш, ўқитишнинг фойдали воситаси ҳисобланиб, мустақил таълимни рағбатлантиради ва ўқувчиларнинг таҳлилий кўникмаларини ривожлантиради.

Малака давомида ўтказилган тадбир ва тадқиқотларнинг доимий портфолиосини тузиш ўқувчилар учун фойдалидир. Ушбу портфолио ўқувчилар шахсий ривожланиш режасини тузишда, мутахассислар бошқарувини ривожлантириш дастурига ўтиш давомида ёки юқорироқ раҳбарлик ва бошқарув лавозимларига ўтиш даврида фойдали бўлади.

Ўқувчилар тақдимотлар тайёрлашлари ва уларни тақдим этишлари лозим бўлади. Бу эса, уларни самарали мулоқотга асосланган янги кўникмалар билар таништиради. Тақдимотни самарали ўтказишга ёрдам берувчи тегишли амалиёт борасида ўқувчиларга маслаҳатлар беринг. Тегишли амалиётга мисол тариқасида, тақдимотларга ҳар доим батафсил ёзма ҳисобот тарзида тақдим этилиши мумкин бўлган нотиқларнинг қайдлари илова қилинишини келтириш мумкин.

Таклиф этилган нотиқлар ўқувчиларнинг тадқиқотлари қай тарзда ишда қўлланилаётганини кўрсатишнинг яхши усули ҳисобланади. Вазирликларнинг ёки хусусий секторда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кишилар ўқувчилар олдида тақдимот ўтказишга таклиф этилишлари мумкин.

Нотиқларни синфга таклиф қилишда ўқувчиларнинг яхши тайёргарлик кўрганликлари муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни амалга оширишни самарали йўли – нотиқ келишидан олдин саволлар тўпламини тайёрлаб қўйишдир. Сўнгра саволлар яроқлилигини текшириш ва уларни ўқувчилар ўртасида тақсимлаш имкониятига эга бўласиз.

Саволлар тўрт тоифага бўлиниши лозим:

1. нотиқ ишлаётган ташкилотнинг вазифалари билан боғлиқ бўлган саволлар;
2. ташкилот олдида турган асосий стратегик мақсад ва вазифаларига қаратилган саволлар;
3. таклиф этилган нотиқнинг стратегик бошқарув ролини амалга ошириш учун зарур бўлган стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларига тааллуқли бўлган саволлар;
4. ташкилот ўзининг стратегик мақсадлари сари интилишда дуч келадиган муаммолар ва уларни қандай қилиб ҳал қилиши борасидаги саволлар.

## Баҳолаш модели

<table>
<tr><th colspan="2">Ўқитиш мақсади</th><th>Мундарижанинг асосий соҳалари</th><th>Баҳолашга тавсия этилган ёндашув</th></tr>
<tr><td>A</td><td>Стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги боғлиқликни тушуниш</td><td>• Стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги боғлиқлик.<br>• Бошқарув ва лидерлик услуби.</td><td>Бошқарув ва лидерлик услублари қай тарзда турли вазиятларда қўлланилишини кўрсатувчи ҳисобот.</td></tr>
<tr><td>B</td><td>Бошқарув ва лидерлик назарияларини ташкилий ёъналишни қўллаб-қувватлаш учун қўллай қўллаш</td><td>• Назариялар<br>• Ҳиссий интеллект.Ташкилот бошқарувида қўллаб-қувватлаш учун қўлланса бўладиган</td><td>Ташкилий ривожланиш ва бирор мақсадга интилиш қай тарзда етакчилик стратегиясига таъсир ўтказишини аниқлаб берувчи кейс-стади.</td></tr>
<tr><td>C</td><td>Лидерликка бўлган талабларни баҳолай олиш.</td><td>• Лидерликка бўлган талабларни баҳолаш</td><td rowspan="2">Ташкилотнинг раҳбарлик лавозимига ходимни ишга қабул қилиш ва етакчилик кўникмаларини ривожлантириш учун қўлланилиши мумкин бўлган усулларни баҳолаш бўйича кейс-стади.</td></tr>
<tr><td>D</td><td>Лидерлик кўникмаларини ривожлантиришни режалаштириш</td><td>• Аниқ талаблар учун лидерликни ривожлантиришни режалаштириш</td></tr>
</table>

**Баҳолаш қўлланмаси**

Ушбу модул учун ўқитиш мақсадлари уларнинг барчасини қамраб олган биргина баҳолаш иши ёрдамида (ушбу модул учун намунали топшириқни кўринг) ёки таълимнинг аниқ бир мақсадига йўналтирилган индивидуал топшириқлар тўплами орқали баҳоланиши мумкин.

Юқоридаги жадвалда индивидуал мустақил топшириқлар тўпламига асосланган тавсиявий ёндашув келтирилган. Ушбу мустақил топшириқларнинг ҳар бири бўйича қўлланма қуйида келтирилган.

**А ўқитиш мақсади: 1-топшириқ**

Ушбу модул ўқувчиларни бошқарув соҳасида муҳим ўринга эга назариячилар ишлари билан танишиб чиқишларини талаб этади. Ўқувчилар ушбу назариялар асосини ташкил этувчи тамойилларни ва улар қай тарзда турли ташкилий ҳолатларда қўлланилиши мумкинлигини тушунишлари лозим. Буни бажариш орқали, улар назарияларни қай йўсинда ўзларининг иш ролларига қўллаш борасидаги билимлари ва тушунчаларини ривожлантириб боришади.

Ушбу модулнинг бошқа жиҳатларида бўлгани каби, мазкур вазифа ўқувчиларнинг шахсий иш ролларига асосланган бўлиши ёки ҳам Ўзбекистон ҳам жаҳон иқтисодиёти мисолида турли ташкилотларни тадқиқ этиш йўли билан ҳар хил контекстда берилиши мумкин. Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширадилар:

- Минцбергнинг бошқарувнинг 10 ролини универсал етакчилик назариялари нисбатида таққослаш (трансформацион, транзакцион ва харизматик)
- Шароитлар назарияси ва вазиятлар назариясини турли контекстда қўлланилишини қиёслаш ва солиштириш

Шу билан бирга, ўқувчилар танқидий таҳлил ва баҳолаш кўникмаларини қўллашлари ва қуйидагиларни амалга оширишлари учун муҳим аҳамият касб этади:

- бошқарувнинг турли услубларини ташкилотнинг стратегик мақсадларига таъсирини аниқлаш;
- кейс-стади контекстида қўлланилиши мумкин бўлган турли ёндашувлар аҳамиятига доир далиллар келтириш.

Ушбу турли ёндашувлар мавзуни янада чуқур тушунишга кўмаклашувчи, синфда муҳокамалар (ўқитувчи бошчилигида) ўтказиш учун Ўқитишга доир қўлланма сифатида ишлатилиши мумкин.

**В ўқитиш мақсади: 2-топшириқ**

Мазкур ўқув машғулотининг асосий мақсади бўлиб давлат ва хусусий секторнинг маълум бир объектлари ташкилий ривожланишининг йўналишларини аниқлаб олишлари хизмат қилади. Ушбу контекстда ташкилий йўналиш ва ривожланиш қуйидаги хусусиятларга эга:

- ўсиш/тараққиёт/ривожланиш;
- бозор улушининг ўсиши;
- инновация ва янги маҳсулотларни яратиш;
- реструктуризация;
- стратегик ҳамкорликни ривожлантириш;
- рационализация;
- рационализация эвазига иқтисод қилиш/тежамкорлик;
- унумдорликнинг ошиши;
- сифат назорати тизимини ва мижозга йўналтирилганлик ҳусусиятларининг яхшиланиши.

Ўқувчилар ташкилотни керакли изга солишга қодир етакчилик стратегиясини таҳлил қиладилар. Мисол учун, ўқувчилар ташкилот билан ишлашда маълум бир етакчилик услублари қўлланишининг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқишни хоҳлашлари мумкин. Мазкур услублар:

- ишлаб чиқаришни, иш ўринларини сезиларни қисқаришига олиб келувчи иқтисод ва рационализация қилишни талаб этади;
- ўз меҳнат ресурслари доирасида инновациялар жорий этишга ундайди;
- компаниялар бирлашишига ёки уларни эгаллаб олинишига олиб келувчи стратегик ҳамкорликни ривожлантиради.

Мазкур мустақил топшириқда, шундан сўнг, ўқувчиларнинг бошқарув назариясини турли ташкилий контекстларда тушуниш ва қўллаш қобилияти баҳоланади.

**C ва D ўқитиш мақсадлари: 3-топшириқ**

Ушбу баҳолаш ўқувчилардан турли ташкилотларда стратегик етакчилар ва менежерларни тайинлаш учун вакансия ва адабиётларни ўрганиб чиқишларини талаб этади. Ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширадилар:

- ташкилотнинг вазифа, қадриятлар ва стратегик мақсадларини аниқлаш учун стратегик етакчилар ва менежерларни тайинлашни реклама қилувчи ташкилотларни тадқиқ қилиш;
- ташкилот дуч келадиган ҳар қандай жорий муаммолар ва хавф-хатарларни аниқлаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширадилар:

- ташкилот янги менежери ҳал этиши лозим бўлган, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни таҳлил қилиш;
- лавозим учун зарур бўлган кўникмаларни;
- ушбу кўникмалар қай даражада ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва у дуч келаётган ҳар қандай қийинчиликларга мувофиқ келишини таҳлил қилиш;
- ўзининг шахсий етакчилик кўникмаларини ва бошқарув услубини ташкилотнинг талабларига мос келишини аниқлаш.

## Модулнинг бошланиши

Бошланиш ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади.

| **1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш** |
|---|
| **Кириш**<br>Ўқувчилар ушбу модулни баҳолаш асоси сифатида ўз шахсий тажрибаларидан фойдаланишлари мумкин. Аммо, агарда улар ташкилот ходимлари бўлмасалар, ишга жойлашиш, ташкилотни батафсил тадқиқ этиш каби бошқа стратегиялар ёки аниқ бир ҳолатни ўрганишга қаратилган мувофиқ материал талаб қилиниши мумкин.<br>Кейс-стади, шунингдек, интернет орқали олиш мумкин. Йирик корпорациялар стратегик мақсадлари билан мувофиқлаштирилган, изоҳлар ва молиявий натижалар таҳлилини ўз ичига олган йиллик ҳисоботларни эълон қилишга мажбур. Йиллик ҳисоботлар корпорация дуч келадиган жорий муаммолар ёки ташкилий йўналишида вужудга келадиган ҳар қандай ўзгаришларни аниқлашда фойдалидир. Сўнгра, ўқувчилар корпорация миссиясини амалга ошириш ва тарғиб қилиш учун мос келадиган етакчилик стратегияларини баҳолашлари мумкин.<br>Таклиф этилган веб-сайтлар ва бошқа манбалар рўйхати мазкур услубий қўлланманинг якуний бўлимида келтирилган. Веб-сайтлар, шу жумладан энг сўнгги маълумотлар манбаси сифатида фойдалидир. |
| **А ўқитиш мақсади – Стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги боғлиқликни тушуниш** |
| А. Р1 мақсади учун ўқувчилар стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб беришади. Ўқувчилар вазифалар ўртасидаги алоқаларни тушунтириш учун стратегик мақсадларга эришишга алохида эътибор берган ҳолда мисоллар келтиришади. А. Р2 мақсади учун ўқувчилар ўз ташкилотларидан мисоллар келтириб ёки стратегик қарорлар қабул қилишга бошқарув ва лидерликнинг турли услублари таъсирининг таҳлили борасидаги кейс-стадилардан фойдаланган ҳолда менежер/етакчи сифатидаги ўз шахсий тажрибаларидан фойдаланишлари мумкин. Бу энг камида икки турли вазиятларда ва А. Р3 учун ташкилий контекстда муаммоларни ҳал қилиш учун мазкур услублар қай тарзда мослашганлигини баҳолашда ишлаб чиқилиши мумкин. |

| **1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш** |
|---|
| **В ўқитиш мақсади – Бошқарув ва лидерлик назарияларини ташкилий ёъналишни қўллаб-қувватлаш учун қўллай  қўллаш** |
| В. Р1 и В. Р2 мақсадлари учун ўқувчилар назарияни аниқ бир вазиятларда қўллаб, етакчиликнинг реалистик стратегиясини тузишади. Жорий тенденцияларга урғу берган ҳолда бир қатор бошқарув ва лидерлик назария ва моделларини кўриб чиқадилар. Ўқувчилар кўплаб турли назарияларни билимларининг кенг доирасини намойиш этиш учун қўлламасликлари, балки танланган ташкилот доирасида кейсга мос келадиган бир иккита назарияга таянишлари лозим. |
| **С ўқитиш мақсади – Лидерликка бўлган талабларни баҳолай олиш**<br>**D ўқитиш мақсади – Лидерлик кўникмаларини ривожлантиришни режалаштириш** |
| С ва D ўқув мақсадлари маълум бир вазиятда вазифаларни бажариш учун бошқарувга қўйилган жорий ва бўлажак талабларни баҳолаш билан боғлиқ. Ўқувчилар етакчилик кўникмаларини ривожлантиришни режалаштиришлари лозим ва С. Р1, С. Р2, D. Р1 и D. Р2. талабларини бажаришда режалаштириш усулларининг аҳамияти тўғрисида хабар беришлари лозим. |

## BTEC ва квалификациянинг бошқа модулларига ҳаволалар

Ушбу модул асосий билимларни ва квалификациянинг бошқа барча модуллари негизини ташкил этувчи тушунчаларни тақдим этади. Мазкур модул асосий билим ва квалификациянинг бошқа барча модуллари негизини ташкил этувчи компетенциялар билан таъминлайди.

## Ресурслар

### Китоблар

Adair, J. – *Effective Leadership: How to be a Successful Leader*, Pan (2009), ISBN-13:9780330504195

Adair, J. – *How to Grow Leaders: The Seven Key Principles of Effective Leadership Development*, Kogan Page (2009) ISBN-13: 9780749454807

Gold, J., Thorpe, R. and Mumford, A. – *Leadership and Management Development*, fifth edition, CIPD (2010) ISBN-13:9781843982449

Kouzes, J. M. and Posner, B. Z. – *The Leadership Challenge*, sixth edition, Jossey-Bass (2008) ISBN-13:9781119278962

Mullins, L. J. – *Management and Organisational Behaviour*, eleventh edition, Financial Times/Prentice Hall (2010) ISBN-13: 9781292088488

### Журналлар

*Management Today* (Haymarket Business Media)

*People Management* (Chartered Institute of Personnel and Development)

*Professional Manager* (Chartered Management Institute)

*Training Journal* (Dods Group)

**Веб-сайтлар**

www.cipd.co.uk

Персонал бошқаруви ва ривожланиши бўйича профессионал орган бўлган Персонал ва Тараққиёт институти сайти.

www.leadershipnow.com

Ушбу сайт лидерлик тараққиёти ҳақида мақолалар нашр қилади ва блог юритади.

www.managementhelp.org

Лидерликни ривожлантиришни режалаштириш тўғрисидаги мақола ва блогларнинг бепул кутубхонаси.

www.managers.org.uk

Менежмент институтининг сайти, журнал мақолалари ва бошқа нашрлардан фойдаланишни таъминлашда ишлатилиши мумкин бўлган муълумотлар базасини ўз ичига олади.

www.peterhoney.org

Саволнома ва услубий қўлланмалар.

www.strategicmanagement.net

Стратегик бошқарув жамияти сайти.

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтнинг мазмуни бўйича жавобгарликни ўз бўйнига олмайди. Ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан олдин URL-манзили тўғрилиги ва ундан фойдаланиш ўринли эканини текширишлари муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни қайдга олиб қўйишларини ва шунингдек мактабнинг/коллежнинг ички тармоғи орқали уланиш имконини беришни тавсия этамиз.*

# Иш схемаси

| | |
|---|---|
| **Модул номи** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Ўқув соатлари** | 30 |
| **Дарслар сони** | 10 |
| **Дарслар давомийлиги** | 3 соат |
| **Бошқа модулларга ҳаволалар** | Барча модуллар |

| **Ўқитиш учун калитлар** | | | |
|---|---|---|---|
| **ЁМТ** | Ёзма мустақил топшириқ | **ММ** | Материални мустаҳкамлаш |
| **ТЭС** | Таклиф этилган спикер | **Т** | Ташриф |
| **МЎ** | Мустақил ўқтиш | **ИТ** | Иш тажрибаси |

| **№** | **Мавзу** | **Дарс тури** | **Таклиф этиладиган машқлар** | **Ресурслар** |
|---|---|---|---|---|
| **1** | А1 Стратегик бошқарув ва лидерлик<br>Стратегик бошқарувнинг вазифалари | МТ | • **Кириш:** ўқитувчи модул ва баҳолаш усули ҳақида қисқача маълумот беради.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи стратегик етакчиликнинг вазифалари ҳақида тақдимот ўтказади.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ишдаги рол ва мажбуриятларни тасвирлаб бериш учун ўқувчилар жуфт бўлиб ишлашади. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Тақдимотлар.<br>Машқлар рўйхати. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | Минцбергнинг бошқарувнинг 10 роли | | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи Минцбергнинг бошқарувнинг 10 ролини тақдим этади.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар ўз иш ролларини ва мажбуриятларини Минцбергнинг бошқарувнинг 10 ролига нисбатан таснифлашади.<br>• **ўқитувчи бошчилигида муҳокама:** ўқувчилар ўзларининг иш роллари умумий хислатларини Минцберг моделига нисбатан таққослаган ҳолда ҳар қандай камчиликларни аниқлаб муҳокама қилишади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи дарс пайтида белгиланган таълимнинг асосий жойларини қайта эслатиб ўтади. | |
| **2** | A2 бошқарув ва лидерликнинг услуби | MT | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарсни қайтаради.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи бошқарув ва лидерликнинг услубларини тақдим этади**.**<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар ҳар бир сценарийда тақдим этилган бошқарув услубини танқидий таҳлил қилиш учун бир қатор ташкилий сценарийларни аниқлашади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқувчилар ўз хулосалари билан ўртоқлашадилар ва сценарийларнинг энг муҳим жиҳатларида келишувга келадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи етакчилик услубларининг ташкилий стратегияга таъсири ҳақида тақдимот ўтказади. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Флипчартлар ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Тақдимотлар.<br>Сценарий машғулотлари рўйхати.<br>Кейс-стади ва машғулотлар рўйхати. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар етакчилик ва стратегия ўртасидаги алоқани кўрсатиб берувчи кейс устида ишлашади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи дарсда белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | |
| **3** | А ўқув мақсади<br>Амалиётни баҳолаш | ЁМТ | • **Кириш:** ўқитувчи кейс-стади амалиёти баҳосини тақдим этади**.**<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар кейс-стади амалиётини баҳолашни якунлашади.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўзларининг ишларини муҳокама қилиш ва ўқитувчи ва курсдошлари/синфдошлари томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этадилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқитувчи энг яхши таклифларни ўқувчилар ишлари орасидан аниқлайди.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи ўтилган дарснинг асосий жойларини тасдиқлайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Тақдимотлар.<br>Кейс-стади амалий баҳоси.<br>Баҳолашни ўтказиш учун шаблон. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **4** | B1 Назариялар | MT | • **Кириш:** ўқувчилар олдинги дарсдаги кейс-стади натижаларини тақдим этишади.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи А ўқув мақсади якунларини чиқаради.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўз ташкилотларининг стратегик устуворлик ва мақсадларини тақдим этишади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** турли хил ташкилотларнинг стратегик устуворликлари ва мақсадларини қиёслаш ва таққослаш.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи етакчилик назариясига кириш тўғрисида тақдимот ўтказади.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар бошқа етакчилик назарияларини тадқиқ этадилар ва натижаларни қолган синф олдида тақдим қилишади.<br>• **Якуний сессия:** ўқувчилар дарсда белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлашади. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Тақдимотлар.<br>Стратегик устуворликлар ва мақсадлар бўйича машғулотлар рўйхати.<br>Етакчилик назарияси бўйича машғулотлар рўйхати. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **5** | B1 Назариялар | MT | • **Кириш:** ўқувчилар етакчилик назарияси бўйича тўлиқ тестдан ўтадилар.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар ўзларининг ташкилотларига етакчилик назарияларини тадбиқ этадилар.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар берилган сценарийларда етакчилик назарияларини қўллаш бўйича кейс-стадини ўрганишади.<br>• **Гуруҳ муҳокама:** кейс-стади ўқувчиларининг қайта алоқа натижаси ва шахсий иш тажрибаси контекстида етакчилик назарияси муҳокамаси.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи турли ташкилий контекстда етакчилик назариясининг қўлланилишини тақдим этади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи дарсда белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Доска ва ручкалар.<br>Етакчилик назарияси бўйича тест.<br>Тақдимот.<br>Етакчилик назарияси тўғрисида машғулотлар рўйхатининг қўлланилиши.<br>Етакчилик назариялари тўғрисида кейс-стади.<br>«Қайта алоқа»ни ўтказиш учун сўровнома |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **6** | B1 Назариялар<br>B2 ҳиссий интеллект<br>B3 ташкилий йўналишни таъминлаш учун қўлланилиши | МТ | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар тақдим этилган сценарийлар бўйича етакчилик назарияларини қўллашни тадбиқ қилишади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқувчилар билан ўтказилган «қайта алоқа» натижалари, кейс-стади ва шахсий иш тажрибаси контекстида етакчилик назариялари муҳокамаси.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи «ҳиссий интеллект» тушунчасини тушунтириб беради.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар ҳиссий интеллектни таклиф этилган сценарийларда қўллашни ўрганиб чиқишади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** машғулотлар натижаси билан биргаликда ўқувчилар билан ўтказилган қайта алоқа ва ташкилот доирасида шахсий иш тажрибаси контекстида етакчилик назариялари муҳокамаси.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар етакчилик услублари ва ҳиссий интеллект ўртасидаги боғлиқликни тадбиқ этишади.<br>• **Якуний сессия:** ўқувчилар дарс давомида белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Тақдимот.<br>Сценарий ва машғулотларда акс этган етакчилик назарияси.<br>Ҳиссий интеллект ва машғулотлар сценарийлари.<br>Етакчилик услубининг ҳиссий интеллект машғулотлари рўйхати билан алоқаси. |



Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража Стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом
Ўқув-услубий материал – 1-Нашр – Март 2020 © Pearson Education Limited 2020

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **7** | C1 етакчиликка қўйилган талабларни баҳолаш | MT | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарснинг асосий жойларини такрорлайди.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи «етакчиликка қўйилган талабларни баҳолаш» мавзусини тақдим этади.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар етакчиликка қўйилган талабларни турли контекстда қиёслаш билан боғлиқ бўлган кейс-стади устида ишлашади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** кейс-стади асосида амалга оширилган қиёсий таҳлил натижаси борасида ўтказилган қайта алоқа.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи 1-топшириқ талаблари борасида ўқувчиларга маълумот беради.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар 1-топшириқ устида ишлашни бошлашади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи вазифани бажариш билан боғлиқ бўлган саволларга жавоб беради ва Ассайментни тақдим этиш санасини белгилайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Баҳолаш йўриқномасинг-вараги.<br>Тақдимот.<br>Қиёсий тадқиқот (кейс-стадига асосида).<br>Баҳолаш.<br>8 дарс бўйича машғулотлар тайёрлов рўйхати. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **8** | Таклиф этилган нотиқ | ТЭН/ МТ | • **Кириш:** ўқитувчи таклиф этилган нотиқни таништиради.<br>• **Таклиф этилган спикер:** таклиф этилган нотиқ ўзининг ташкилотидаги стратегик етакчилик тўғрисида маълумот тақдим этади.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларни берадилар ва нотиқнинг жавоблари бўйича қайдлар қиладилар.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар таклиф этилган нотиқ тақдимоти ва жавобларининг асосий жойларини муҳокама қилишади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқитувчи таклиф этилган нотиқнинг жавобларидан таҳсил учун муҳим аҳамиятга эга жойларини кўриб чиқади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи дарс давомида белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Таклиф этилган спикер ва унинг тақдимоти.<br>Таклиф этилган спикердан умумий машғулотлар рўйхати. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **9** | D1 етакчилик кўникмаларини ривожлантириш | МТ | • **Кириш:** ўқитувчи D ўқув мақсади ҳақида қисқача маълумот беради ва олдинги дарсни такрорлайди.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи синфни бошқарув ва лидерликка қўйилган талабларни баҳолаш билан таништиради.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар турли ташкилотлар дуч келадиган стратегик муаммоларни аниқлашни мақсад қилган кейс-стадини ўрганиб чиқадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи етакчилик хислатларини ривожлантириш борасида маълумот беради.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар етакчиликни таъминловчи усулларни аниқлашга қаратилган кейс-стадини ўрганиб чиқадилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқувчилар етакчиликни ривожлантиришнинг турли стратегиялари қўлланилишини баҳолашади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи дарс давомида белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Тақдимотлар.<br>Стратегик вазифалар кейс-стадиси.<br>Ривожланишни қўллаб қувватлашга доир кейс стадилар. |

| № | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **10** | D1 етакчилик кўникмаларини ривожлантириш | МТ | • **Кириш:** ўқитувчи ушбу модул вазифаларини бажариш учун зарур бўлган иш намуналарини кўздан кечириб чиқади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқувчилар баҳолаш ва амалда қўллаш учун тақдим қилинган ишлар намуналарининг кучли ва заиф томонларини муҳокама қиладилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи «ташкилий стратегия ва етакчилик кўникмалари» тушунчаларини тақдим этади.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўз ташкилотларида етакчиликни ривожлантириш дастурини тадқиқ этадилар ва мавжуд ташкилий қўллаб қувватловга нисбатан етакчиликка бўлган эҳтиёжларини режалаштирадилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқувчилар ўзларининг профессионал ривожланишларидаги ўсиш борасида хулоса чиқариш учун модулдан ўтиш натижасида олинган асосий дарсларни муҳокама қилишади (2-модул: Стратегик менежерлар учун профессионал ривожланишга ҳавола.)<br>• **Якуний сессия:** ўқитувчи мазкур квалификациядаги ушбу ва бошқа модуллар ўртасидаги боғлиқликни муҳокама қилади. | Модул тавсифи.<br>Доска ва ручкалар.<br>Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>Тақдимот.<br>мустақил топшириқнинг қисқача таърифи. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 1 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• стратегик етакчиликнинг вазифаларини тушуниб оладилар<br>• шахсий бошқарув роллари ва вазифаларини Минцберг таснифига мувофиқ таҳлил қиладилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• **МР1:** топшириқнинг роли ва функциялари**.**<br>• **МР2:** лавозим роллари ва мажбуриятлари таснифи**.**<br>• **ТС1:** модул шарҳи ва баҳолаш бўйича тақдимот слайдлар ва қайдлар.<br>• **ТС2**: стратегик бошқарув функциялари ва «Минцбергнинг бошқарувнинг 10 роли» бўйича тақдимот слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди | |

| **Машқлар** | **Ўқитувчининг қайдлари** |
|---|---|
| Бошланғич машғулотлар<br>(10 дақиқа) | • **Кириш:** ўқитувчининг модул шарҳи, ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш усуллари/графигини тақдим этади **(ТС1)**. Ўқитувчи модулнинг асосий эътибори етакчилик тўғрисидаги замонавий тушунчалар, қай тарзда ташкилотларнинг етакчиларга бўлган жорий ва бўлажак талабларини режалаштириш жараёнига таъсир ўтказишига қаратилганини тушунтириб беради. |
| Асосий машғулотлар<br>(150 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи стратегик етакчиликнинг вазифаларини тақдим этади, масалан, стратегик мақсадлар ва вазифалар таҳлили, ташкилотнинг иш самарадорлигини ошириш, ўзгаришлар киритиш ва тарғиб қилиш, жамоалар тузиш ва юқори самарадор жамоаларни бошқариш, стратегик қарорларни қабул қилиш **(ТС2)**.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар шахсий иш роллари ва мажбуриятларини таърифлаб бериш учун жуфт бўлиб ишлайдилар. Мазкур жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:<br>  o иш берувчи шарҳи тақдимоти (бизнес тури, давлат / хусусий сектор, миллий ёки халқаро кўлам);<br>  o лавозим мажбуриятларининг стратегик бошқарув вазифалари билан боғлиқлиги **(МР1).**<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи «Минцбергнинг бошқарувнинг 10 роли» мавзусини тақдим этади, эргашувчилар бевосита ва билвосита етакчилик ва стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги боғлиқлик, масалан, стратегик мақсадларга эришиш учун етакчидан талаб қилинадиган кўникмалар **(ТС2).**<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар «Минцбергнинг бошқарувнинг 10 роли»га нисбатан ўз лавозим роллари ва мажбуриятларини таснифлайдилар **(МР2).** |


Ўқув-услубий материал – 1-Нашр – Март 2020 © Pearson Education Limited 2020

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| | • **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар Минцберг моделига нисбатан йўл қўйилган ҳар қандай камчиликларни аниқлаган ҳолда ўз иш ролларининг умумий тавсифини муҳокама қиладилар. Минцберг моделига нисбатан ўқувчилар ўз ролларини мисол қилиб келтирадилар. Ўқитувчи умумий мавзуларни ажратади, мисол учун вазифавий ролларда, ўзаро муносабатларда, етакчиликнинг стратегик вазифаларида, ташкилий тавсифлардаги камчиликлар (сектор; кўлам; ташкилот тури; миллий/халқаро). |
| Якунловчи машғулотлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи дарс давомида аниқланган таълимнинг асосий жойларини қайтаради ва портфолио яратишнинг рол ва мақсадларини тушунтириб ўтади. |
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил иш:** ўқувчилар қайдлар қиладилар ва ўз портфолиолари устида ишлашни бошлайдилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 2 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• етакчиликнинг турли услублари хусусиятларини аниқлайдилар;<br>• ташкилий стратегияни амалга оширишга бошқарувнинг турли услублари таъсирини таҳлил қиладилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Флипчартлар ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• **МР3:** турли ташкилий контекстда етакчилик услублари.<br>• **МР4:** етакчилик ва стратегия ўртасидаги боғлиқлик ҳақида кейс-стади.<br>• **ТС3:** бошқарув ва лидерликка оид тақдимот слайдлари ва қайдлар.<br>• **ТС4:** ташкилий стратегияга таъсир ўтказувчи етакчилик услубларига оид тақдимот слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Бошланғич машқлар<br>(10 дақиқа) | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарс шарҳини беради ва B ва O сессияларини қуйидагилар тушуниб етилганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан ўтказади:<br>o стратегик етакчилик хислатлари;<br>o Минцбергнинг “бошқарувнинг 10 роли”.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқитувчи олдинги дарс мазмунини ўқувчилар тушунганлигини бошқарувнинг амалий сценарийларига ҳавола берган ҳолда текширади. |
| Асосий машқлар<br>(150 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи бошқарув ва лидерлик услубларини (масалан, Ликерт таснифи: автократик, бюрократик, харизматик, аралашмаслик, ишонтирувчи, иштирок) ва қуйидагиларни тақдим этади**:**<br>o бошқарув услубига таъсир кўрсатиш (масалан, ташкилот маданияти, менежер/етакчи тавсифи);<br>o етакчилик услубларининг стратегик қарорлар ва турли вазиятларга бошқарув ва лидерлик услубларини мослаштириш усулларига таъсири **(TC3).**<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар ҳар бир сценарийда тақдим этилган бошқарув услубини танқидий таҳлил қилиш учун бир қатор ташкилий сценарийларни муҳокама қиладилар **(MP3).** Ўқувчилар ўз фаолиятлари натижаларини флипчартларда тақдим этадилар ва уларни гуруҳнинг қолган аъзолари билан ўртоқлашадилар, ҳар бир гуруҳнинг вакили натижаларни синфнинг қолган ўқувчиларига тақдим этадилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқувчилар ўз хулосалари билан ўртоқлашадилар ва сценарийларнинг асосий жихатларини келишадилар. Ўқитувчи етакчилик тавсифлари билан боғлиқликни аниқлайди.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи турли сценарийларда ташкилий стратегияга етакчилик услубларининг таъсирини тақдим этади, булар ўсиш, мотивация, инновациялар, реструктуризация ва ривожланиш кабилардир **(TC4).** |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар етакчилик ва стратегия ўртасидаги боғлиқликни белгилаб берувчи нарса устида иш олиб борадилар **(MP4)**. Бу турли стратегик етакчилик услубларига эга бўлган ташкилотларни жалб этиш ҳақидаги қиёсий кейс-стади бўлиши мумкин. Ўқувчилар бошқарув ва ходимлар билан муносабатларга таъсирни ўрганиб чиқишлари лозим; ташкилот фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолашни ўтказиш; ташкилот маданияти ва миссиясини кўриб чиқишлари лозим бўлади. |
| Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи дарсда белгиланган таълимнинг асосий жойларини қайтаради. |
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар қайдлар қиладилар ва ўз портфолиолари устида ишлашади**.**<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар дарсда шуғулланишни бошлаган кейс-стадини якунлайдилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 3 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• қай тарзда баҳолашни амалга ошириш ва якунлашни тушуниб оладилар;<br>• баҳолашни якунлаш учун зарур бўлган кўникмаларни аниқлашади;<br>• материални баҳолашга тақдим этишда энг яхши амалиётни қўллайдилар;<br>• амалий топшириқларни баҳолашни якунлайдилар ва материални кўриб чиқиш ва баҳолаш учун курсдошларига тақдим этадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• **МР5:** амалиётни баҳолаш кейс-стадиси.<br>• **МР6:** иш тавсифи ва баҳолаш.<br>• **ТС5:** баҳолашга оид тақдимот слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди | |

<table>
<tr><th>Машқлар</th><th>Ўқитувчининг қайдлари</th></tr>
<tr><td>Бошланғич машқлар<br>(10 дақиқа)</td><td><ul><li>Кириш: ўқитувчи амалиёт баҳосини тақдим этади ва ўқувчилар билан бирга амалиётни баҳолашга қўйилган талабларни муҳокама қилади (TC5), улар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:<ul><li>ҳар бир топшириққа қўйилган талаблар;</li><li>ҳар бир топшириқни бажариш учун вақтни тақсимланиши;</li><li>топшириқни бажариш учун зарур бўлган кўникмалар (режалаштириш; мувофиқ материал танлови; сценарий/кейс-стадини таркибий қисмларга бўлиш);</li><li>ўқувчиларнинг бошқарув маълумотларини дастлабки материал сифатида ишлатиш;</li><li>тақдимот ва баҳолаш учун тақдим этилган материалнинг макети, масалан, ишга алоқадор келишувлар, расмий ҳисоботлар ва аудитория учун тақдимотлар.</li></ul></li></ul></td></tr>
<tr><td>Асосий машқлар<br>(150 дақиқа)</td><td><ul><li>Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар белгиланган вақт мобайнида кейс-стади амалиётини баҳолашни якунлашади (MP6).</li><li>Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз ишларини муҳокамага ва ўқитувчи ва тенгдошлари томонидан танқидий кўриб чиқилиши учун тақдим этадилар. Таҳсил олувчилар белгиланган бандлар актуаллиги, таҳлил ва баҳолаш сифати, ҳамда берилган тавсияларнинг қўллай олиниши, актуаллиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги жихатларни ўзлаштириш учун бошқа ўқувчилар ишларини танқидий кўриб чиқишни якунлайдилар (MP6).</li><li>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчининг индивидуал фаолиятидан олинган энг яхши амалий тажрибани ўқитувчи аниқлайди.</li></ul></td></tr>
<tr><td>Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа)</td><td><ul><li>Якуний сессия: ўқитувчи дарснинг асосий жойларини қайтаради.</li></ul></td></tr>
<tr><td>Синфдан ташқари мустақил иш</td><td><ul><li>Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўз баҳоларини қайта кўриб чиқадилар ва/ёки ўз бошқарув портфолиоларига қўшиб қўйиш учун амалиётни қўшимча баҳолашни якунлайдилар.</li></ul></td></tr>
</table>

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 4 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• ўзига қарашли ташкилотларнинг стратегик устуворликларини таҳлил қиладилар<br>• турли етакчилик назарияларининг хусусиятларини қиёслайдилар ва таққослайдилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• **МР7:** стратегик устуворлик ва мақсадларни аниқлаш.<br>• **МР8:** етакчилик назарияларни тадқиқ этиш.<br>• **ТС6:** тақдимот слайдлари ва А ўқув мақсади тўғрисидаги қисқача хулосага изоҳ.<br>• **ТС7:** етакчилик назариясига кириш бўйича тақдимот слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Бошланғич машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Кириш:** ўқувчилар олдинги дарсдаги кейс-стади ва мустақил тадқиқот иши натижалари бўйича қисқа маълумот берадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи А ўқув мақсади якунларини чиқаради **(ТС6)**, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:<br>o стратегик бошқарувнинг вазифаларини, Минцбергнинг бошқарувнинг 10 роли, стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги боғлиқлик (масалан, стратегик мақсадларга эришиш учун зарур бўлган етакчилик кўникмалари);<br>o етакчилик услублари, етакчилик услубларига таъсири (раҳбар / етакчи тавсифи), стратегик қарорларга етакчилик услубларининг таъсири, турли вазиятларга бошқарув ва лидерлик услубларини мослаштириш. |
| Асосий машқлар<br>(140 дақиқа) | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўз ташкилотларининг стратегик приоритетлари ва мақсадлари ҳақида тақдимот тайёрлайдилар **(МР7)**, шу жумладан:<br>o миссия ва стратегик устуворлик ва мақсадлар ўртасидаги боғлиқлик;<br>o бозордаги ҳолат;<br>o асосий муаммолар;<br>o бошқарув ва лидерлик соҳасидаги устуворликлар;<br>o ходимлар билан муносабатлар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқитувчи турли ташкилотларнинг стратегик устуворликлари ва мақсадларини қиёслайди ва таққослайди. |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| | • **Ўқитувчи тақдимоти**: ўқитувчи етакчилик назариясига кириш қилади (**изоҳ:** қўйида кўрсатилган назарияларни батафсил муҳокама қилиш тавсия этилмайди, чунки уларнинг баъзилари ўқувчилар томонидан мустақил ўрганилади):<br>o универсал назариялар, трансформацион етакчилик ва транзакцион етакчилик кабилар (Bennis, Bass);<br>o харизматик етакчилик (Weber, Conger and Kanungo);<br>o тасодифлар назарияси (Fiedler);<br>o вазиятлар назариялари (Hersey and Blanchard, Vroom and Yetton);<br>o уч ўлчамли етакчилик назарияси (Yukl).<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқитувчи турли бошқарув назарияларини ўқувчилар ўртасида тақсимлайди. Ўқувчилар топшириқда берилган етакчилик назарияларини тадқиқ этадилар **(MP8),** ва тадқиқот натижаларини синфнинг қолган қисми олдида тақдим этадилар. |
| Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи дарсда белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлайди:<br>o турли етакчилик назарияларини таққослаш ва қарши қўйиш;<br>o етакчилик назарияларининг умумий тавсифи ва хусусиятларини аниқлаш. |
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар етакчилик назарияси бўйича тадқиқотни давом эттирадилар ва назариялар ҳақида эссе ёзадилар ва ўзларининг шахсий бошқарув портфолиоларига жойлаштирадилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 5 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• ўз ташкилотларида етакчилик назарияларини қўллашни тушуниб оладилар;<br>• турли ташкилий контекстларда етакчилик услубларини қўллашни таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга оширадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• Етакчилик назариялари бўйича тест.<br>• **МР9:** ўқувчиларнинг ташкилотларга етакчилик назарияларини қўллаш.<br>• **МР10:** етакчилик назариясини қўллаш бўйича кейс-стади.<br>• **МР11:** ўқувчидан қайта алоқа олиш учун анкета.<br>• **ТС8:** турли контекстларда етакчилик услублари тўғрисида тақдимот слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Бошланғич машқлар<br>(10 дақиқа) | • **Кириш:** ўқувчилар турли етакчилик назариялари хусусиятларини аниқлаш учун олинган билимлар асосланган тест топширадилар |
| Асосий машқлар<br>(150 дақиқа) | • **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар ўз ташкилотларида етакчилик назарияларини қўлланилишини муҳокама қиладилар **(МР9).**<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар берилган сценарийда етакчилик назарияларини қўллаш бўйича кейс-стадини кўриб чиқишни якунлайдилар. Ўқувчилар ҳар бир сценарийда етакчилик услубини аниқлаш учун турли кейс-стадиларни таҳлил қиладилар ва етакчилик услубини қўлланилишининг самарадорлигини танқидий баҳолайдилар **(МР10).**<br>• **Гуруҳда муҳокамалар:** ўқувчилар синфнинг қолган қисмига кейс-стади натижаларини тақдим қиладилар. Бошқа ўқувчиларнинг ҳулосаларини тинглаган ҳолда, турли ташкилотларда етакчиликнинг умумий хусусиятларини еки турли ёндашувларни аниқлайдилар **(МР11).**<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи қуйидаги омилларни эътиборга олган ҳолда турли контекстларда етакчилик услубини тақдим этади **(ПС8)**:<br>o вазиятлар назарияси (Fiedler)<br>o самарадорлик, ишончлилик, инновациялар, мослаштириш ва секторлар, ташкилот ва бўлимларда инсон ресурслари;<br>o ташкилот кўлами ва тараққиёт босқичи (масалан, янги бизнесни бошлаш, бозордаги мавжуд иштирокчиларга қарши чиққан ҳолда);<br>o бошқарув услубининг радикал ўзгариши / раҳбарият алмашинуви;<br>o ташкилотдаги маданият. |
| Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи дарс давомида белгиланган таълимнинг асосий жойларини такрорлайди. |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар қайдлар қиладилар ва шахсий портфолиолари устида ишлайдилар.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар бу дарсга тайёргарлик кўришда ҳиссий интеллектни тадқиқ этадилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 6 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• ташкилот фаолиятининг самарадорлигига етакчилик услубларининг таъсирини баҳолайдилар**;**<br>• ҳиссий интеллектнинг асосий моҳияти ва хусусиятларини тушуниб олиш**;**<br>• турли ташкилий контекстларда ҳиссий интеллект ва етакчилик услублари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этиш. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• **MP12:** сценарийда бошқарув услубини баҳолаш.<br>• **MP13:** ҳиссий интеллектни қўллаш.<br>• **MP14:** ҳиссий интеллект ва етакчилик услублари ўртасидаги боғлиқлик.<br>• **TC9:** ҳиссий интеллект ҳақида тақдимот слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **MP**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **TC**: Тақдимот слайди | |

<table>
<tr><th>Машғулотлар</th><th>Ўқитувчининг қайдлари</th></tr>
<tr><td>Бошланғич машқлар<br><br>(10 дақиқа)</td><td><ul><li>Кириш: ўқитувчи олдинги дарснинг асосий жойларини такрорлайди ва ўқувчилар ўзлаштиришини текшириш учун В ва О сеансларини ишга солади.</li></ul></td></tr>
<tr><td>Асосий машқлар<br><br>(150 дақиқа)</td><td><ul><li>Кичик гуруҳларда машқлар: ўқувчилар берилган сценарий маълумотларини кўриб чиқадилар (MP12) ва уларнинг ҳар бирида етакчилик назарияларини қўллашни ўрганиб чиқадилар. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун турли сценарийларни белгилайди. Ўқувчилар контекстни таҳлил қиладилар ва ташкилотда бошқарув услубини танқидий баҳолайдилар.</li><li>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар билан фаолият натижалари борасида қайта алоқа, аниқ бир сценарийда вужудга келадиган муаммоларни аниқлаш. Ўқувчилар ташкилот стратегиясини тарғиб этиш учун ёндашувдаги ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида ўзларининг тавсияларини тақдим этадилар.</li><li>Ўқитувчи тақдимоти: ўқитувчи ҳиссий интеллект ҳақида қисқича таъриф беради (TC9), шу жумладан:<ul><li>ташкилот бошқарувининг самарадорлиги ва уни харакатлантирувчи кучларга таъсири;</li><li>чекловлар ва рағбатлантиришлар;</li><li>ҳиссий омил бўйича тадқиқот (EQ), Goleman, Higgs ва Dulewicz кабилар.</li></ul></li><li>Кичик гуруҳларда машқлар: ўқувчилар берилган сценарийларни кўриб чиқадилар (MP13) ва уларнинг ҳар бирида ҳиссий интеллект қўлланилишини тадқиқ этадилар, ҳар бир ташкилий контекстда хиссий интеллектнинг хусусиятларини аниқлаган ҳолда.</li><li>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар ўз фаолиятлари натижалари бўйича тақриз оладилар, ҳиссий интеллектни ўз жорий роли ва вазифалари контекстида, шунингдек, янада кенгроқ контекстда қўлланилишини муҳокама қилган ҳолда.</li></ul></td></tr>
</table>

| Машғулотлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчиларнинг ўз ташкилотлари тадқиқ қилган ҳолда, қуйидагилар аниқланади**:**<br>○ ҳиссий интеллект ва етакчилик услублари ва йирик корпоряциялар бошқаруви ўртасидаги боғлиқлик;<br>○ ташкилот фаолияти самарадорлигига таъсири **(MP14)**. |
| Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи дарсда белгиланган асосий жойларни такрорлайди. |
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил иш:** ўқувчилар қайдлар қиладилар ва ўз портфолиолари устида ишлайдилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 7 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• аниқ бир контекстда ташкилот стратегик мақсадлари ва вазифаларини таҳлил қиладилар ва баҳолайдилар;<br>• 1-мустақил топшириқ талабларини тушуниб оладилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• Мустақил топшириқ йўриқномаси-вароғи.<br>• **МР15:** турли контекстларда етакчиликка қўйилган талабларни қиеслаш.<br>• **МР16:** мустақил топшириқ 1.<br>• **МР17:** таклиф этилган спикер ташрифига тайёргарлик кўриш.<br>• **МР10:** турли контекстларда бошқарувга кўйилган талабларни баҳолаш бўйича тақдимот слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Бошланғич машқлар<br><br>(10 дақиқа) | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарснинг асосий жойларини такрорлайди ва ўқувчилар ўзлаштиришини текшириш учун В ва О сеансларини ишга солади. |
| Асосий машқлар<br><br>(150 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи турли контекстларда етакчиликка қўйилган талабларни баҳолаш борасида маълумот тақдим этади **(TC10),** шу жумладан:<br>o аниқ бир контекстда ташкилотнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларини қай тарзда таҳлил қилиш ва баҳолаш;<br>o жорий бошқарув услубининг таҳлили билан боғлиқлиги;<br>o танқидий таҳлил тушунчаси;<br>o мазкур ташкилий контекстларда нима ишлаётганини ва нима ишламаётганини қандай қилиб аниқлаш, ва шунингдек, ташкилотнинг стратегик мақсадларига таъсири.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқитувчи турли контекстларда етакчиликка қўйилган талабларни таққослаш бўйича кейс-стади **(MP15)**. Ўқувчилар ташкилот мақсадлари контекстида етакчилик услубларини танқидий баҳолайдилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** қиёсий кейс-стади натижаларини муҳокама қилиш ва ўқувчилар билан қайта алоқани амалга ошириш.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи топшириқ ҳақида маълумот беради, шу жумладан қўйидагилар ҳақида ҳам:<br>o баҳолашга қўйилган талаблар бўйича батафсил қўлланма;<br>o олинган вазифа контекстида топшириқ мезонлари тушунтирилади.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар Ассаймент<br>1 бўйича ишлашни бошлайдилар **(MP16).** |
| Якунловчи машқлар<br><br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** Ўқитувчи мустақил топшириқ билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади ва ишларни топшириш санасини тасдиқлайди. |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар қуйидагиларни амалга оширадилар **(MP17)**:<br>○ 8 дарс бўйича стратегик етакчиликни муҳокама қилиш учун таклиф этилган нотиқ ташкилотни тадқиқ этиш;<br>○ 8 дарс давомида таклиф этилган нотиққа берилиши лозим бўлган саволлар тўпламини тайёрлаш;<br>○ Ўқувчилар1-мустақил топшириқни бажаришни давом этадилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 8 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• аниқ бир ташкилий контекстда стратегик етакчиликнинг ролини ўрганиб чиқадилар;<br>• стратегик етакчилик қай тарзда ташкилот фаолиятининг самарадорлигига таъсир ўтказишини таҳлил қиладилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• Таклиф этилган нотиқ ва унинг тақдимоти слайдлари (**Изоҳ:** ўқитувчи дарсдан олдинги тақдимотда ёритиладиган соҳалар ҳақида таклиф этилган нотиққа маълумот бериши керак).<br>• **МР17**: таклиф этилган спикер келишига тайёргарлик кўриш.<br>• **МР18**: спикер изоҳлари. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Бошланғич машқлар<br>(10 дақиқа) | • **Кириш:** ўқитувчи таклиф этилган нотиқни таништиради**.** |
| Асосий машқлар<br>(150 дақиқа) | • **Таклиф этилган нотиқ тақдимоти:** таклиф этилган нотиқ қуйидагиларни қамраган ҳолда ўз ташкилотида стратегик етакчилик ҳақида маълумот беради.<br>o ташкилот контексти;<br>o ташкилотнинг стратегик мақсадлари;<br>o ташкилотдаги маданият ва қабул қилинган бошқарув услубини;<br>o ташкилотда мавжуд рол ва вазифалар;<br>o ташкилот дуч келадиган жорий саволлар ва муаммолар.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар олдинги дарсдан сўнг тайёрлаган саволларини берадилар **(MP17)** ва сўзловчининг жавобларини ёзиб оладилар.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар таклиф этилган нотиқ тақдимоти ва унга берилган саволларга жавоблар бўйича асосий жойларни муҳокама қиладилар **(MP18).**<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқитувчи таклиф этилган нотиқ жавобларидан ўрганиш мумкин бўлган асосий жойларни кўриб чиқади. Қуйидагилар билан алоқа ўрнатинг:<br>o бошқарув услублари билан;<br>o ташкилий стратегия билан;<br>o стратегик менежмент моҳияти билан;<br>o ташкилот маданияти ва ҳиссий интеллект билан. |
| Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи дарс мобайнида ўтилган асосий жойларни такрорлайди. |
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар шахсий бошқарув портфолиоларига қайдлар қиладилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 9 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• ташкилот дуч келадиган бир қатор стратегик вазифаларни тушуниб оладилар**;**<br>• ташкилотлар қай тарзда ўз етакчиларини ривожлантирадилар**;**<br>• етакчиликни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш йўлларининг самарадорлигини баҳолайдилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• **MP19:** стратегик вазифалар борасида кейс-стади.<br>• **MP20:** етакчилар ривожланиши борасида кейс-стади.<br>• **TC11:** бошқарув ва лидерликка қўйилган талабларни баҳолаш бўйича презентация слайдлари ва қайдлар.<br>• **TC12:** етакчилик кўникмаларини ривожлантириш борасида презентация слайдлари ва қайдлар. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **TC**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Бошланғич машқлар<br><br>(10 дақиқа) | • **Кириш:** ўқитувчи олдинги дарснинг асосий жойларини такрорлайди ва ўқувчилар ўзлаштиришини текшириш учун В ва О сеансларини ишга солади. |
| Асосий машқлар<br><br>(150 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи умумий муаммоларни хал қилиш учун зарур бўлган етакчилик хислатлари жамланмасини кўриб чиқади **(TC11)**, қуйидаги муаммолар каби:<br>o виртуал ташкилотлар;<br>o хилма-хиллик;<br>o глобализация;<br>o иқтисодий муҳит;<br>o бутун жаҳон миқёсидаги тахдидлар:<br>o ижтимоий корпоратив масъулият ва этика.<br>• **Кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар турли ташкилотлар дуч келадиган стратегик вазифаларни аниқлаш учун ҳар хил кейс-стадиларни кўриб чиқадилар **(MP19)**. Шу каби муаммолар ўз ичига электрон / масофадан туриб бошқарув, ташкилотларнинг бирлашуви ва бир ташкилот бошқа бирини ўз таркибига мажбуран киритиши, реструктуризация, етакчилик, этика ва узоқни кўзлаган ҳолда бизнесни юритиш, турли гуруҳлар, ҳамкорликлар ва иттифоқлар, норматив талабларни бажариш, назорат ва ҳисоботдаги ўзгаришлар, янги технологиялар ва вақтинчалик бошқарувни олади. |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| | • **Ўқитувчи тақдимоти:** ўқитувчи етакчилик хислатларини ривожлантириш бўйича маълумот беради. Мазкур тақдимот етакчилик қай тарзда ривожлантирилиши ва қўллаб қувватланиши мумкинлигини тушунтириб бериши лозим, шу жумладан қуйидагиларни ҳам:<br>o малака ошириш курслари;<br>o касблар алмашинуви;<br>o семинарлар;<br>o бошқарув бўйича тренинг;<br>o мураббийлик;<br>o компания университетлари;<br>o ходимларни баҳолаш ва ривожлантириш марказлари;<br>o ҳаракатларга ўқитиш;<br>o мустақил таълим.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар қай тарзда турли ташкилотлар етакчиларнинг ривожланишини таъминлаши борасида кейс-стадини кўриб чиқадилар **(MP20)**. Улар, шунингдек, ташкилотларда етакчилар ва менежерларга қўйиладиган талабларни белгиловчи ишга қабул қилиш тўғрисидаги эълонларни ва интернетни тадқиқ қилишлари мумкин.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** ўқувчилар турли етакчиликни ривожлантириш стратегияларнинг қўлланилишини ва қуйидагиларни баҳолайдилар:<br>o устунлик ва камчиликларни;<br>o сарф этиладиган вақт ва харажатлар;<br>o натижалар. |
| Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи дарсда белгиланган асосий жойларни такрорлайди.<br>• Ўқувчилар 1-мустақил топшириқни топширадилар. |
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар шахсий бошқарув портфолиоларига қайдлар қиладилар. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Дарс рақами** | 10 (180 дақиқа) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар:<br>• ташкилий стратегия ва етакчилик ўртасидаги боғлиқликни тушуниб оладилар;<br>• етакчилик хислатларини ривожлантириш учун зарур бўлган омилларни ўрганиб чиқадилар;<br>• модулда таъриф берилган ўқитиш мақсадларини тушуниб оладилар;<br>• олинган билимларни турли ташкилий контекстларда қўллайдилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул тавсифи.<br>• Доска ва ручкалар.<br>• Интернет тармоғига уланган компьютерлар.<br>• **МР21:** илмий тадқиқотларда етакчиликни ривожлантириш бўйича дастурлар.<br>• **ТС13:** ташкилий стратегия ва етакчилик кўникмалари бўйича нотиқнинг презентация слайдлари ва қайдлари. |
| Калит: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Бошланғич машқлар<br>(10 дақиқа) | • **Кириш:** ўқитувчи ушбу модул учун зарур бўлган баҳолаш қоидалари тўғрисида батафсил қўлланма беради. |
| Асосий машқлар<br>(150 дақиқа) | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** 1 – топшириқда берилган вазифанинг кучли ва заиф томонларини муҳокама қилинг. Ўқувчилар томонидан тақдим этилган вазифалардаги муваффақиятли мисолларни муҳокама қилинг. Ассайментни бажариш жараёнида ўқувчиларда қизиқиш уйғотган ҳар қандай саволларни бериш имкониятини яратинг.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ташкилий стратегия ва етакчилик кўникмалари бўйича тақдимот **(TC13)**.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўз ташкилотларида етакчиликни ривожлантириш борасидаги дастурларни ўрганиб чиқадилар ва қуйидагиларни амалга оширадилар**:**<br>o етакчилик кўникмаларини ўзлаштиришга бўлган шахсий эхтиёжларини режалаштирадилар;<br>o ташкилий қўллаб қувватлашнинг турларини аниқлайдилар;<br>o қўллаб қувватловнинг ташқи манбаларини аниқлайдилар;<br>o етакчиликни ривожлантирадилар;<br>o мавжуд стратегик қўллаб қувватловнинг устуворлигини аниқлайдилар.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** модулдан олинган асосий фикрларни муҳокама қилиш, шу жумладан:<br>o стратегик бошқарув хусусиятлари ва етакчилик билан боғлиқлиги;<br>o бошқарув услуби;<br>o бошқарув ва лидерлик назарияси;<br>o ҳиссий интеллект;<br>o замонавий контекст ва стратегик бошқарув олдида турган муаммолар;<br>o ўқувчиларнинг профессионал ривожланишлари;<br>o 2-модул: Менежер-стратегларга профессионал ривожланишга ҳавола. |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Якунловчи машқлар<br>(20 дақиқа) | • **Якуний сессия:** ўқитувчи ушбу квалификацияда модулнинг бошқа модуллар билан алоқасини тушунтиради. |
| Синфдан ташқари мустақил иш | • **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар бошқарув портфолиосига қайдлар қиладилар. |

 © Pearson Education Limited 2020

# Мустақил топшириқ йўриқномаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 7-даража стратегик бошқарув ва лидерлик соҳаси бўйича Профессионал Диплом |
| **Модул** | 1-модул: Стратегик бошқарув ва лидерлик кўникмаларини ривожлантириш |
| **Ўқитиш мақсад(лар)и** | A Стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги боғлиқликни тушуниш;<br>B Бошқарув ва лидерлик назарияларини ташкилий ёъналишни қўллаб-кувватлаш учун қўллай қўллаш;<br>C Лидерликка бўлган талабларни баҳолай олиш;<br>D Лидерлик кўникмаларини ривожлантиришни режалаштири. |
| **Топшириқ номи** | **Стратегик бошқарув ва лидерлик ҳақида ҳисобот ва тақдимот** |
| **Экзаменатор** | |
| **Топшириш муддати** | |
| **Якунлаш санаси** | |

| | |
|---|---|
| **Шахсий сценарий ёки контекст** | *Мазкур топшириқда ҳозирги вақтда ишлаётган ёки сизга яхши таниш бўлган ташкилотни таърифлаб беришингиз зарур бўлади.*<br><br>Сиз ташкилот томонидан унинг бизнес стратегиясини ривожлантириш мақсадида бошқарув ва лидерликка бўлган эҳтиёжини тадқиқ этиш учун жалб қилинган консультантсиз. Ташкилот яқинда ўзи фаолият юритаётган бозордаги технология ва бизнесдаги ўзгаришларни аниқлади. Вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатни олдиндан тахмин қилиш ва уни бошқариш йўлларини топиш зарур бўлади.<br><br>Жамоа раҳбарияти сиздан етакчиликка бўлган жорий ва бўлажак талабларни баҳолашни ва реалистик етакчилик стратегиясини ва ташкилотда бўлажак етакчиларни ривожлантириш режасини тузиб чиқишингизни хохлаяпти.<br><br>Стратегия сизнинг ташкилотнинг бошқарув ва лидерликка бўлган эҳтиёжи таҳлилига асосланган ва сизнинг мувофиқ назария ва моделларни тадқиқ қилишдан чиқарилган хулоса билан тасдиқланиши керак бўлади. |

| | |
|---|---|
| **1-топшириқ** | Сиз қуйидаги вазифаларни амалга оширишингиз лозим бўлади.<br><br>• Менежмент ва етакчилик ўртасидаги фарқларни танланган ташкилотда кўриб чиқинг. Ташкилотдаги турли вазиятларга қай тарзда бошқарув ва лидерликни қўллашни баҳоланг, ва ташкилотда стратегик қарор қабул қилишга мазкур услубларнинг таъсирини таҳлил қилинг.<br>• Ташкилотнинг бўлажак йўналишини қўллаб қувватлаш учун, танланган бошқарув ва лидерлик назария ва усулларини қўллаган ҳолда, етакчилик стратегиясини тузинг.<br>• Ташкилот дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни хал қилишда зарур бўлган кўникмалар ва жорий бошқарувни таҳлил қилишда мувофиқ усулларни қўлланг. |

 © Pearson Education Limited 2020

| | |
|---|---|
| | • Келажакда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни хал қилиш учун етакчилик кўникмаларини ривожлантириш режасини тузинг.<br>• нотиқнинг қайдлари билан биргаликдаги слайдлар жамланмасини тайёрлаш мувофиқ дастурий таъминотдан фойдаланинг.<br>• Профессионал менежерлар ташкил топган тингловчилар учун тақдимот тайёрланг. |
| **Зарур бўлган манбалар рўйхати** | • Натижаларнинг расмий тақдимоти<br>• Нотиқнинг тақдимоти ва қайдлари қуйидагиларни қамраб олади**:**<br>o ташкилотнинг стратегик қарор қабул қилиши билан боғлиқ бўлган бошқарув ва лидерлик услубларини баҳолаш;<br>o етакчилик стратегиялари;<br>o ташкилотнинг бўлажак вазифаларини хал қилиш учун зарур бўлган етакчилик кўникмалари тавсифи;<br>o етакчиликни ривожлантириш режаси ва ривожлантириш усулларини баҳолаш. |

| Мазкур топшириқ қамраб оладиган мезонлар | |
|---|---|
| **Мезонга ҳавола** | **Баҳолаш мезонларининг қониқарли кўрсаткичларига эришиш учун қуйидагиларни амалга ошира олишингизни намоен қилишингиз лозим:** |
| A.P1 | Стратегик бошқарув ва лидерлик ўртасидаги боғлиқликни тушунтиринг |
| A.P2 | Бошқарув ва лидерлик услубининг стратегик қарорларга кўрсатадиган таъсирини таҳлил қилинг |
| A.P3 | Лидерлик услублари турли вазиятларга қай тарзда мослаштирилиши мумкинлигини баҳоланг |
| B.P1 | Бошқарув ва лидерлик назарияларининг  ташкилий стратегияга бўлган таъсирини ўрганиб чиқинг |
| B.P2 | Ташкилий ривожланишни қўллаб- қувватлай оладиган лидерлик стратегиясини тузиб чиқинг |
| C.P1 | Самарали лидерликка бўлган жорий талабларни таҳлил қилиш учун тегишли усуллардан фойдаланинг |
| C.P2 | Лидерлик сифатлари ва кўникмаларини намоён қилишни талаб қиладиган келажакдаги ҳолатларни ривожлантиришни режалаштиринг |
| D.P1 | Аниқ стандартларга мос келиши учун лидерлик кўникмаларини ривожлантиришни режалаштиринг |
| D.P2 | Лидерлик кўникмаларини ривожлантиришни режалаштиришда фойдаланиладиган энг самарали усулларини таҳлил қилинг ва (ҳисобот шаклида) ажратинг |

| | |
|---|---|
| **Ушбу мустақил топшириқни бажаришга кўмаклашувчи маълумотлар манбалари** | |
| **Ушбу йўриқнома мустақил топшириқга илова қилинувчи бошқа баҳолаш материаллари** | |

Rr220920 UZB_9781446964729_UZBEK_TRC1BK3_STRATEGIC MANAGEMENT UNIT1_RR.DOCX.1-61/1



 © Pearson Education Limited 2020

For information about Pearson Qualifications, including Pearson Edexcel, BTEC and LCCI qualifications visit qualifications.pearson.com

Edexcel and BTEC are registered trademarks of Pearson Education Limited

Pearson Education Limited. Registered in England and Wales No. 872828
Registered Office: 80 Strand, London WC2R 0RL.

VAT Reg No GB 278 537121

Pearson
BTEC

ISBN 978-1-4469-6472-9